


ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



## Чўлпон Истиқлол йўлида



Чўлпоннинг улугворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги бир погонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва равнак топишига улкан хисса кўшибина колмасдан, халқда Ватан, Миллат, Истиқлол тушунчаларининг теран маъно касб этишига хам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатди.

Ўзга сўзлар билан айтганда, у халкда Хуррият туйгусини уйготди, унинг кўзидаги гафлат пардасини олиб ташлади, унда Ватанга мухаббат, Келажакка ишонч хисларини тарбиялади. Унинг фукаролик жасорати худди шундадир.

## Чўлпон ва Ильминский

Олис даврлардан XX асрнинг бошларига кадар ёш авлод вакиллари Хиндистон, Миср, Арабистон сингари мамлакатларга бориб, тахсил кўрганлар. Аммо замонлар ўзгариши, жамият хаётидаги дунёвий фанларнинг роли ошиши билан тарих ўзбек ёшлари олдига янги вазифаларни кўйди. Улар энди нафакат Шарқ, балки Гарб мамлакатларига бориб, илгор фан асосларини эгаллашлари зарур бўлиб колди.

1867 йили Туркистонга генерал-губернатор бўлиб келган К.П.Кауфман махаллий маориф тизими билан танишгач, Н.И.Ильминскийнинг педагогик тажрибаларидан хабар топиб, уни Тошкентга таклиф этган. Лекин Козон ўлкасидаги тажрибалари билан Россия маориф нозири Толстойнинг эътиборини козонган Ильминский Тошкентга келмаган. Аммо у, шу билан бирга, ўзининг “кимматли масла хатлари”ни хам Кауфмандан дариг тутмаган. Унинг фикрича, Туркистон халкларини маърифатлаштиришда “рус гояси” ни четлаб ўтмаслик, аксинча, барча ўкув ишларини рус давлатининг умумий манфаатларига бўйсундириш лозим эди. Ильминский педагогик тизимининг негизини ташкил этган бу фикр, аслида, Кауфманга хам бегона бўлмаган. Рус давлати манфаатларидан келиб чикиб иш юритган Кауфман нинг фикрига кўра, рус алифбосини Россияядаги Шарқ халклари ёзувига бирорта ўзгартиришсиз киритиш зарур: “бу халклар, — деган эди у, — давлат тилини ўргана бошлашлари ва рус тили уларнинг ўзаро бирлашишларида восита бўлиши лозим”.

Туркистонда рўй берадиган вокеалардан боҳабар бўлган Ильминский бу ерга ўқтин-ўқтин ўз фикрларини йўллаб турган. Унинг фикрича, хар бир халкнинг тарихида, энг аввало, дин, кейин эса шу диннинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаб турувчи алифбо етакчи ролни ўйнайди. У ана шу холосасидан келиб чикиб, Туркистондаги мактабларда проваслав динини ўқитишга кўпроқ ахамият беришни тавсия килган. Кауфманга шу масалада ёрдам бериш учун шогирди Н.П.Остроумовни юбориб, унга ёзган хатларида мусулмон ўкув юртларида ислоҳ ўтказмасликни маслаҳат берган ва “реал маориф халкнинг миллий онгини уйготади ва чор хокимиятининг мустамлакачилик сиёсатига карши куролга айланади”, деб ёзган.

1922 йили “Кизил байрок” газетасида бир ўзбек кизининг Европага ўкиш максадида кетгани хакида хабар босилган. Чўлпон бу хабардан мутаассир бўлиб, Туркистон халкларининг маърифат чашмаларидан бебахра яшашини истаган Ильминскийни эсга олган ва бундай ёзган: “Чор хукумати ваҳтида Ички Россия мусулмонларини чўқинтирумок ишида Рустами Зол бўлган, бизга маълум Остроумов тўрамизнинг устози саналган машхур Ильминский чўқинтириш сиёсатининг пири бўлган машхур Победоносцевга ёзган хатида: “Ерлик халх орасидан бизнинг учун фойдалик ва хеч бўлмагандан, заарсиз

кишилар, у русча тилни тутулиб, уялиб гапира турган, ўруска ёзганда бир мунча хато билан ёза турган, бизнинг губернатордан эмас, хатто устол бошлиги (мирзо)миздан хам кўрка турган кишилардир ”, — деган эди.

Бунга харши биз рус тили билан эмас, хатто Оврупо маданий миллатларининг тили ва билими билан жавоб берсак, одам катори яшамокка, албатта, хак козонармиз. Энди бу эзгу харакатга тарихимизда кўра олмаганимиз бир нарса кўшулса, яъни: ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, туткун хизлари хам Ильминский васиятига карши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлган элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб чакирим ерга кетсалар, одам хатори хаккини туртки емасдан, урилмасдан, сўкилмасдан ўз хукукимизни ортиги билан козона оламиз...”

Чўлпон ўз фикрини таг маъноли куйидаги сўзлар билан якунлаган: “Эски турмуш ўлим тўшагида. Йигитларимизнинг чин билимига караб бу интилишлари эски турмушни бир оз аввал ерга кўмгусидир Чўлпон “эски турмуш” тушунчаси остида нафакат чор мустамлакачилиги йилларини, балки умуман ўзбек халкини замонавий илм-фан ютукларидан олисда колдирилган даврни кўзда тутмокда.

Тарих фактлари шундан далолат берадики, Чўлпон хорижий мамлакатларга ўкишга кетган йигит ва кизларимизга “ок йўл” тилабгина колмай, балки уларга зарур холларда моддий ёрдам кўрсатиб хам турган. Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг “Улуг Туркистон” газетасида босилган (1917 йил 4 ноябрь) куйидаги ташаккурномасига шу жихатдан кўз ташлаган кишида Чўлпонга нисбатан хурмат туйгусининг уйгониши табиийдир: “Бошимга тушган оғир фожиалар сабабиндан, — деб ёзган эди Мирмуҳсин, — бу киш тахсилим учун мутлако ёрдамга муҳтож бўлиб колган эдим. Мана шул холимни эътиборга олиб, Туркистоннинг очик фикрли ёшларидан Абдулхамид афанди Сулаймоний илиа Мириюсуф афанди Мирзахамидбоевдан бир микдор иъона топширилди ва тагида ваъда этилди. Иъона сохибларининг хар бирига чин кўнгилдан ташаккур айтаман. Яшасин шундай химматли ёшлар! Шундай миллий химматгагина таяниб, мен Уфага — “Мадрасаи Олия”га кетдим”.

Чўлпонга нисбатан бундай миннатдорчилик сўзларини Германиядан Абдуваҳоб Муродий хам ёзган.

Хуллас, Чўлпон Ильминский сингари шовинизм билан захарланган маърифатпарварларга карши фаолиятининг илк давриданок ўзбек халкининг истикболи учун кураш майдонига отилган.

## Феврал инкилобидан сўнг

1917 йил февраль инкилобидан сўнг Туркистондаги рус большевиклари ташабbusи билан Ишчи ва солдат совети хокимиятни кўлга олиш учун катъий кураш бошлади.

Махаллий зиёлилар ва руҳонийлар ўртасидаги ички низодан фойдаланган большевиклар ўз мавқеларини кун сайин мустажкамлаб бордилар. “Шўрои ислом” билан “Шўрои уламо” жамиятлари эса бир-бирларининг тагига сув куйиш билан машгул бўлди. Агар шу кезларда Марказий Россиядан Мустафо Чўкаев ва Заки Валидий сингари туркий халклар такдири билан куюнган кишилар келмаганида, эҳтимол, бу жамиятлар

ўртасидаги кураш янада кўнгилсиз натижаларга олиб борган бўлармиди.

Заки Валидийнинг асосий максади Бошкирдистонни миллий истиклолга олиб чикиш бўлган. Лекин вазият шундай эдики, миллий озодлик харакати Туркистон ва Козогистонда кучаймай туриб, Бошкирдистонда Мухторият хукуматини барпо этиш мумкин эмас эди. Буни сезган Бошкирдистон марказий совети З.Валидийни Козогистон ва Туркистондаги миллий харакатларнинг раҳбарлари билан алока ўрнатиш учун юборган. У Туркистонга келгач, М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Зохирий, О.Махмудов сингари ўзбек халкининг пешкадам сиймолари билан учрашиб, миллий харакатни кучайтиришга каратилган ишларни амалга оширган.

Унинг хотиралар китобида шу хакда куйидаги муҳтасар маълумотни ўқиймиз: “Бехбудий, ёш ўзбек шоири Чўлпон, тошкентлик адабиётчи Толибжон, татар Тагир Нўгойкўргонли, самаркандлик Ҳакимзода ва камина бир ханча шаҳарларда бўлиб, йигилишлар ўтказдик ва миллий зиёлиларнинг аксар хисмини Туркистон Марказий совети тарафига жалб этдик. Туркистон мустакиллигининг асосий душмани бўлган кадетлар партияси секин-аста маҳаллий ахолига бўлган таъсирини йўкота бошлади. Биз июннинг бошларига кадар олиб борган жиддий кураш натижасида хуррият гоялари кўпгина вилоятларга кириб борди

Афсуски, биз бу сатрларда тилга олинган дастлабки истиклолчиларимиз ва уларнинг кейинги такдири хакида бирор маълумотга эга эмасмиз. Лекин бу рўйхатнинг бошида турган Бехбудий ва Чўлпоннинг Феврал инкилобидан кейинги миллат манфаати йўлида олиб борган фаолиятлари бизда катта кизикиш уйготади. Гап шундаки, ўша кезларда тузилган Туркистон Марказий шўросининг ўзбек зиёлиларини ўз атрофига тўплаши, нафакат кадетлар партияси, балки большевиклар ва бошка сиёсий партияларнинг фаоллигини хам сусайтириши, нихоят, ўлгадаги сиёсий-ижтимоий вазиятни ўз назоратига олиши мумкин эди. Агар шу максаднинг Туркистон халклари такдири учун муҳим ахамиятга молик эканини назарда тутсак, Чўлпоннинг ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб миллий мустакиллик учун курашга жиддий киришгани равшан бўлади.

Давр мураккаб, сиёсий партиялар эса кўп бўлгани учун ўзбек зиёлиларининг бирдан-бир тўгри йўлни танлашлари осон кечмади. Чунончи, Назир Тўракулов ва унинг издошлари ўша кезларда большевиклар томонига оғдилар. Мунаввар кори, Бехбудий ва Бухоро жадидлари кадетлар партиясига хам, социализм гоясига хам карши чикдилар.

Низомиддин Хўжаев ва унинг тарафдорлари эса социалистик харакатнинг ўнг канотига мойиллик билдирилар. Бу, номлари тилга олинган шахсларнинг кариб барчаси

Чўлпонга рухан якин кишилар бўлганлиги учун унинг аро йўлда колган пайтлари хам бўлди. У ўзининг сиёсий фаолиятида халк манфаатларидан келиб чикишга уринди.

З.Валидий хотираларида Чўлпоннинг шу даврдаги сиёсий-ижтимоий фаолиятига доир баъзи бир чизгилар мавжуд. У, хусусан, Феврал инкилобидан кейинги дастлабки кезларни назарда тутиб, бундай ёзган: “Мен бир-бирига садокатли, самимий дўстларни орттиридим. Дўстона сухбатлар пайтида айтганим аксар фикрлар, кўп ўтмай, маслакдош ва елкадош дўстларимнинг шеър ёхуд макрлалари шаклига кириб, янги хаёт кечира бошлади. Шоир Чўлпон турк халхининг сайлов хукуклари учун олиб борган курашимиз тўгрисида гўзал бир достон ёзди

З.Валидийнинг бу сўзларида тилга олинган достон, чамаси, ўз вактида эълон килинмагани учун бизга етиб келмаган. У, юкорида айтиб ўтилган йигилишларда митингларда ўкилган.

З.Валидий Туркистонда орттирган маслакдошлари тўгрисида сўз боргандада, биринчи

навбатда, кўпинча Чўлпонни ёдга олган. Улар ўртасидаги узок давом этган дўстона муносабатлар хам бу икки сиймонинг маълум даражада сирдош бўлганидан дарак беради. Агар шу нарсани кўзда тутиб, З.Валидий берган куйидаги маълумотни ўқисак, Тур-қистонда 1917—1923 йилларда миллий истиклол учун олиб борилган харакатнинг сирли томонларидан парда кўтарилигандек бўлади:

“Дўстим Убайдулла Хўжаев, — деб ёзган у, — юрист сифатида бундай маслаҳат берди: “Таъсис мажлисига сайловлар тўгрисида модда киритилиши мумкин. Бирор жойни сотиб олсанг бўларди”. Мен унинг гапига кириб, Тошкент якинидаги Охангарон дарёси ёхасида жойлашган Облих кишлогидан чорбог сотиб олдим. Чорбог ажойиб бир ерда жойлашган бўлиб, ундан Чотхолнинг корли чўккилари кўриниб турарди. 1917 йилда менга бу жойда бўлиш насиб этмади, аммо 1922 йили босмачилик харакатига кўшилгандаридан кейин Бошкirdистондан келган йигитларимиз шу уйда ойлаб яшашди....”

Агар тахминимиз тўгри бўлса, Чўлпон Таъсис мажлисига аъзо бўлиш учунгина эмас, балки зарур бўлиб колганда яшириниш учун сотиб олинган бу чорбодан хабардор бўлган. Демак, айтиш мумкинки, унинг миллий озодлик-харакатидаги иштироки факат шеър ва достонлар ёзиш, ватандошларини истиклочилар атрофига якинлаштиришдангина иборат бўлмаган. Бу тахминимизни З. Валидийнинг куйидаги сўzlари хам тасдиклайди:

“Биз умумрусия михёсидаги сиёсий ишларда социалистлар билан бирга харакат хилганимизни хеч хачон яширганмиз. Ўша пайтда биз миллат ва социализм гояларига хизмат хиладиган эркин социалистик партияни таза бошлаганмиз. Бизнинг ниятимизга кўра, бу партия барча Шарқ халкларини бирлаштириши лозим эди. Унинг ташкилотчилари эса козоклар томонидан Алихоннинг тарафдорлари, шунингдек, маслакдошларимиз ўзбек Низом Хўжаев, шоир Чўлпон, бухоролик Абдулхамид Орипов эдилар”.

З. Валидийнинг бу сўzlарига караганда, Чўлпон Феврал инкилобидан кейинги дастлабки йилларда ижодий ишлари билан бирга Россия тасарруфидаги мусулмон халкларнинг бирлашиши йўлида хам кизгин фаолият олиб борган.

## Чўлпон ва Мухторият

Тарих миллари 1917 йилга келиб, катта шиддат билан харакат эта бошлади. Феврал инкилобидан кейин икки-уч ой ўтмасдан, Москвада бутун-иттифоқ умуммусулмонлар курултойи бўлиб ўтди. Курултой карорлари Туркестонда мавжлана бошлаган сиёсий хаёт елканига кучли шамол бўлиб урилди. Июл ойининг ўрталарида Фаргона шахрида ўтган вилоят мусулмон ташкилотларининг курултойида “Турк адам марказият” партияси тузилди. З.Валидий “эркин социалистик партия” деб атаган бу сиёсий ташкилот ўз олдига катор демократик тадбирларни амалга оширишни вазифа килиб кўйди. Чўлпоннинг бу партия аъзоси сифатида олиб борган фаолияти тўгрисида архив материалларида бирорта маълумот учрамайди. Лекин Чўлпоннинг Туркестон Мухторият хукуматининг ташкил топишига алоказдор эканлиги, унинг бу хукуматини олкишловчи

“Озод турк байрам” шеърини ёзганлиги ва бу шеърнинг муҳторият мадхияси ўларок ҳалк оммаси томонидан куйланганилиги тасодифий хол эмас.

Тошкент большевиклар кўлига ўтгач, 26 октябрь куни Кўконда IV Фавқулодда ўлка мусулмонлари қурултойи ўз ишини бошлади. Уч кун давом этган қурултой Туркистон Муҳторият хукумати тузилганини эълон килди. Шу тарихий куннинг эртасига шахарда ўтказилган митингда Чўлпон сўзга чикиб, “Оллоҳу акбар” деган Муҳториятга багишланган шеърини ўқиди. Шеърнинг хар бир сатридан кейин кўп минг кишилик митинг Чўлпон билан бирга “Оллоҳу акбар” деб Туркистоннинг хурриятга эришганига шукроналар айтди. Шоир қаламига мансуб “Озод турк байрами” шеъри эса юзлаб нусхаларда таркатилиб, турк шарқийлари сингари қуиланди ва ҳалкнинг рухига рух, ишончига ишонч кўшди. Шеърнинг “Турк бешиги -Туркистон, ери олтун, тоглари кон! Болалари қаҳрамон, Ватан учун берур жон!” деган сўнгги сатрларини қуилаган ҳалк Муҳторият учун жонини хам беришга касамёд этди.

Туркистон Муҳторияти кенг ҳалк оммаси томонидан кизгин кутиб олинганига карамай, 1918 йил февралининг иккинчи ярмида советларнинг яхши қуролланган қўшинлари томонидан тор-мор этилди. Шундан кейин Чўлпон, З.Валидийнинг таклифи билан, Оренбургга кетди.

“Оренбургга келиб улгурмасимиздан биз давлат қурилиш ишига киришдик, — деб хотирлайди З.Валидий. — Ҳукумат раиси адвокат Юнус Бикбоев ва профессор Кулаев шу иш билан шугулланди. 1917 йил декабрида бўлиб ўтган Учинчи Умумбошкирд қурултойи йигирма икки кишидан иборат кичик шўро (парламентолди кенгаши) ни сайлади. Биз уларни Оренбургга йигиб олгач, улар адлия ишлари билан машгул бўлдилар, кишлок ҳўжалиги ва ўрмон бошқарувига оид конунларни кабул килдилар. Гарчанд уларнинг ишлари фавқулодда мураккаб шароитларда кечган бўлса-да, менинг барча йигилиш ва муҳокамаларда иштирок этишимга хожат бўлмади. Улар менга: “Ўз ишинг билан шугуллан, бошқасини бизга кўйиб бер”, дейишиди ва мен қўшинни тўплаш ҳамда ички ишлар билан бевосита шугулландим. Бу кишилар бизнинг ишимизга кандай фидойиларча берилган эдилар!“.

З.Валидий Оренбургга ўзи билан бирга борган туркистонликлар тўғрисида бундай маълумот берган:

“Кўконда барпо этилган ва Советлар томонидан февралда (1918 йил феврали назарда тутилмоқда — Н.К.) тарқатиб юборилган Туркистон миллий хукуматининг баъзи бир аъзолари: Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон), кейинчалик Бухорода ҳарбий нозир бўлган Абдулхамид Орипов, Тошкент вакилларидан Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар хам шу ерда эдилар. Абдулхамид Орипов ташки ишлар билан шугулланди, у шоир Абдулхамид Сулаймон билан бирга менинг котибим эди”,

Модомики, Муҳторият хукуматининг аъзоси Убайдулла Хўжаев хам, Муҳториятга багишланган мадхиясида “Туркистонли шонимиз, туронли — унвонимиз, Ватан — бизнинг жонимиз, фидо ўлсун конимиз!” деб ёзган Чўлпон хам, бошка туркистонликлар хам, шу вактда З.Валидийнинг ёнида бўлган эканлар, демак, улар Оренбургга Туркистон Муҳторияти тор-мор этилганидан кейин боргандар. Тахмин килиш мумкинки, улар ўзларининг Бошкирдистон миллий хукуматини барпо этишга каратилган фаолиятларида Туркистон Муҳторияти томонидан йўл кўйилган хатолардан сабок олишга харакат килганлар.

З.Валидий ўз гурухи олиб борган ишлар тўғрисида яна куйидаги маълумотни берган:

“Бизнинг Самара хукумати, Ўрол казаклари ва Козогистон билан бирга амалга оширганимиз дастлабки муваффакиятли иш ахборот тўплашдир. Биз ўз агентларимизни олдиндан мўлжалланган жойлар — Уральск (Теке), Хон ўрдаси, Астрахан губернияси, Гурев (Уйшух), Гарбий Сибирдаги Омск, шунингдек, советлар назорати остидаги Орск, Актюбинск ва Тошкентга юбориб, киска муддатда ўз развед хизматимизни вужудга келтиридик. Бу ишларга Орипов раҳбарлик хилди. Бизнинг миллий шоирларимиз Саитгарей Магаз, Шайхзода Бабич, ўзбек шоири Абдулхамид Сулаймон, ёш козок журналисти Беримжон ва бир ўқимишли шоира хиз бу шахарларда яширин жойларни ташкил этдилар ва бу жойлар Оренбургдаги марказни гоят кимматли ахборот билан таъминлаб турди”.

З.Валидий генерал Дутов кисмларида бундай шошилинч ахборотни тўплаш ишлари яхши йўлга кўйилмагани ва бу нарса унинг харбий операцияларига салбий таъсир ўтказганини айтиб, Тошкентда рўй берётган воқеалар хакидаги маълумотлар тинимсиз равиша Козогистон оркали етиб борганини алоҳида таъкидлаган.

Шундай килиб, Чўлпон Бошкirdистон миллий хукуматининг Туркистондаги вазиятга оид шошилинч маълумотлар билан таъминланишида иштирок этган. Агар З.Валидийнинг юкоридаги сўзларига теран назар ташласак, Туркистон Мухториятининг маглубиятидан кейин Оренбургга йўл олган туркистонликларнинг Козогистонда тўхтагани ва маҳаллий истиклолчилар билан учрашгани маълум бўлади.

Бугун биз Октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларида нафакат Туркистон, балки Россия тасарруфидаги бошка мусулмон ўлкаларида хам миллий хукуматларни барпо килишга каратилган уринишлар бўлганини биламиз. Кейинги йилларда бизга яна шу нарса маълум бўлдики, Россия тасарруфифа яшовчи мусулмон халкларнинг истиклолсевар фарзандлари ўша кезларда Туркий республикалар федерациясини ташкил этиш фикрида бўлганлар. Бу федерацияга, биринчи навбатда, Туркистон, Козогистон ва Бошкirdистон миллий хукуматларининг кириши кўзда тутилган. Чўлпон 1917—1918 йилларда ана шу гоянинг рўёбга чикиши йўлида фаолият олиб борган.

## Шарқ халклари курултойи

Туркистон Мухториятидан кейин Бошкirdистон ва Козогистон миллий хукуматлари хам большевиклар томонидан тугатилди. Улар туркистонлик мухториятчиларни таъкиб этигина колмай, Фаргона водийсида яшовчи ахолини хам хонавайрон килдилар. Туркий халкларга нисбатан аламзада бўлган дашноклар водийдаги ўнлаб кишлокларни конга ботирдилар. Чўлпон, шубҳасиз, большевикларнинг ўз давлатларини минглаб кишиларнинг кони ва жони эвазига барпо этаётгандарига тинч караб тура олмади. 1919 йили у “Юриш марши” деган шеърини ёзиб, Турон ўғлонларини киличини кинга солмай, она ватанин озод этишга чакирди. Бугун сарлавхаси бир оз галати туюлган “Кизил байналмилал” (1919) шеърида эса бундай сатрларини ёзди:

Шарқ эллари асир каби ишларлар  
Бир ховуч хам келмайдиган халк учун...  
Шарқ элига кутулишга йўл йўкми,

Унга хеч ким шафкат кўзин солмасми?  
Гарбилиардан инсоф, виждон хеч йўкми,  
Бирор кувват бу зулмни олмасми?

Шоир шу сатрлардаги “Шарқ эли” сўзлари остида факатгина ўзбек халкини кўзда тутмаган. Ўша йилларда ўзбек халки билан бирга туркий халклар хам, Англияning исканжасида яшаган хиндлар хам “бир ховуч хам келмайдиган” халк учун асиirlар каби ишламокда эдилар. Шунинг учун у шу халкларнинг бирлашишини астойдил орзу килди. 1920 йилнинг 1 — 5 сентябрь кунларида Бокуда Шарқ халклари курултойи бўлиб ўтди. Чўлпон ва унинг маслакдош дўстлари бу курултойдан кўп нарсани кутган эдилар. Лекин Сталин раҳбари бўлган Миллий ишлар халк комиссарлиги ва Мусулмон коммунистларнинг марказий бюроси бу курултой ишини каттиқ назорат остига олиб, Шарқ халклари вакилларининг большевиклар зулми ва тузумига карши бирлашишига имкон бермади. Чўлпон курултой ишида таржимон сифатида иштирок этди.

Курултойнинг Шарқ халклари вакиллари учун эътиборли жихати Анвар Пошанинг иштироки эди. Туркистанда айникса машхур бўлган бу зотга гарчанд курултойда сўз берилмаган бўлса хам, миллий делегациялар, биринчи навбатда, у билан учрашишга интилдилар. Шундай учрашувлардан бири Каспий денгизи бўйларида жойлашган бир уйда бўлиб ўтди.

“Кунларнинг бирида, — деб ёзади Мунаввар кори Абдурашидхонов, — биз Анвар Пошанинг догоистонлилар билан араб тилида сухбатлашиш учун шу уйга келишидан дарак топдик. Биз хам етиб бордик... Орадан бир мунча вакт ўтгач, чиндан хам, Анвар Поша пайдо бўлди ва биз билан ўн беш дакика сухбатлашди”.

Мунаввар кори бу сўзларни 1929 йилда хибсга олинганидан кейин тергов учун ёзиб берган. Шунинг учун хам у Анвар Поша билан канча вакт ва нима тўғрисида сўзлашгани масаласида аник бир гапни айтмаган. Аммо шу нарса маълумки, Анвар Поша курултой кунларида Туркистан, Бухоро, Хива, Афғонистон ва Эрон вакиллари билан махфий учрашувлар ўтказган. Чўлпон ана шундай учрашувларда катнашиб, Анвар Поша билан танишган. Анвар Поша Чўлпонда хайриҳоҳлик туйгуларини уйготган. Унинг туркий халклари якинлаштириш гояси ўзбек шоирларига бегона эмас эди. Шарқ халклари курултойига катта умидлар билан борган, курултой бошлангунга кадар Каспий денгизи бўйларида юриб, гўзал юлдузлар билан сухбатлашган ва уларга Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла Оталарнинг тарихдаги хатосин; Шул хатодан осуфланиб, ёвларнинг Эл кўксида сурган ишрат, сафосин. Сўзла, англат ўтгандаги турмушнинг Бутун хонлик, шонлик, жонли ерларин. Кўз олдимда жилваланар юрт учун Жонлар бериб, хонлар тўккан эрлари... ”, деб ёзган Чўлпон курултойдан эмас, Анвар пошадан кўпроқ умид кутди.

1937 йил 10 августда бўлиб ўтган тергов кайдномасида бундай маълумот билан танишамиз:

“1920 или Бокуда Шарқ, халклари курултойи ўтказилди, унда Салимхон Тиллахонов, Наби Рискулов, Гози Юнусов, Мунаввар кори, Обид Чаток, Жўрабоев, мен ва бошха пантуркистан арбоблар катнашдилар Делегацияга Рискуловнинг ўзи раҳбарлик килди. Курултой пайтида Рискуловнинг яхин сафдошлари — Файзулла Хўжаев ва Норбўтабеков Совет хокимияти ва Коммунистик партия сиёсатига карши каратилган сахнаорти ишини олиб бордилар. Улар “кизил генералларингизни олиб кетинг! деган шиор билан чикдилар. Аммо курултойда уларнинг сўзлари ўтмагач, Туркистан делегацияси “дохийлари” Рискулов раҳбарлигига тўпланиб, Совет хокимииятига карши

курашни авж олдиришга киришдилар, “босмачилик” кучларини ташкил этиб, бу харакат оркали очикдан-очик пантуркистик ташкилотнинг курултойдан кейин кабул килинган карорини амалга оширдилар

Шубҳасиз, НКВД томонидан тайёрланган ва кийнок остида кўл кўйдириб олинган сўрокномаларга танкидий караш, уларда келтирилган фактларни бошка хужжатлар билан киёслаш ва шу тарзда хакикатнинг олтин зарраларини топиш лозим. Юкорида келтирилган парчанинг хам НКВД ходимлари томонидан “ижод килинганилиги” яккол сезилиб туради. Аммо шу билан бирга, назаримизда, унда хакикат учкунларида йўқ эмас. Чиндан хам, курултойнинг коммунистик руҳда кечганлигини кўрган Туркистон делегациясининг илгор кисмида, шу жумладан, Чўлпонда большевиклар зулмидан кутулиш ва мустакилликка эришишнинг бошка йўлларини ахтариш истаги пайдо бўлган. Улар Мухторият тугатилганидан кейин вужудга келган ва секин-аста куч ола бошлаган “босмачилик харакати”да ана шу йўллардан бирини кўрганлар.

Ўша кезларда Англия меҳнаткашлари ўртасида галаён кўтарилиб, давлат сиёсий машинаси тебраниб колган. Жаҳон харитасида юз бераётган воқеаларни синчков назар билан кузатган Чўлпон эса “Улуг Британиянинг бу кунги хокимиият”ига деган шеър ёзиб, уни бундай сўзлар билан тугатган:

Мазлумлар эзилган, хор бўлганларнинг

Газаб оловлари бир кун туташар!

“Интиком! Интиком!” — деган наъралар

Тўлкиндай кутуриб, Темзадан ошар.

Ўшанда Темзанинг сувлари кадар

Кутуриб ошишлиқ бизда хам бўлар.

Бу сатрлар билан сўрок кайдномасидаги Совет хокимииятига карши кураш хакидаги сўзлар ўртасида муайян якинлик бордек туюлади.

## Боши берк кўчаларда

Бухоро Халк Совет Республикаси барпо этилгач, Чўлпон, чамаси, Файзулла Хўжаевнинг таклифи билан “Бухоро ахбори” газетасига мухаррирлик килиш учун Бухорога боради.

Бу вактда Бухоро амирини агдаришда жадидларга ёрдам берган Фрунзе кўшинлари ва, умуман, Совет хокимиятининг гаразли нияти ошкор бўлган эди. Шунинг учун хам, республика раҳбарлари ўртасида большевиклар таъсиридан халос бўлиш истаги шакланаётган эди. Лекин большевиклар республика раиси Файзулла Хўжаев билан Марказий Ижроия Кўмитаси раиси Мирза Абдулкодир ўртасига пона кўйишга ултурган ва бу пона раҳбариятни икки гурухга ажратавсан эди.

“Барча Бухоро жадидлари, — деб ёзади шу кезларда Бухорога келган З. Валидий, — амирни агдариш учун олиб борган курашларида руслар билан бирлашдилар. Аммо улар Русия боскинчилик хокимиятининг чексиз-чегарасиз бўлишига кррши эдилар. Уларнинг шу масаладаги бирдамлиги хар кандай мактовга сазовор эди.

Улар окшомлари мени уйларига меҳмонга таклиф хилиб турардилар. Бирок улар ўзаро хар доим хам ахил бўлмаганлари учун, тагин бирортаси русларга гуллаб кўймасин, деб

ташвишланар эдим...

Бизнинг асосий вазифамиз агдариб ташланган амирга карши курашни давом эттириш никобида Бухоро миллий армиясини ташкил этиш ва Хива, Туркманистон, Козогистон вакилларини чакириб, “Туркистон миллий иттиходи” ташкилотини тузиш эди. Биз шунга тайёрланар эканмиз, июн ойининг бошларидаёх Бошкирдистондан Козогистоннинг барча бурчагига, Гулжадаги японларга, Фаргона водийсидаги босмачиларнинг таникли раҳбарларига одамлар юбордик.

“Биз козокларнинг “Олаш Ўрда кўмитаси” аъзолари ва туркман зиёлиларини хам Бухорога таклиф этдик, — деб давом этади З. Валидий, — уларни Бухоронинг шимол томонида жойлашган Харгуш кишлогидаги бир хўжаликда кутиб олдик...

Бошкирдистондан келган... офицерларимиз Бухородаги харбий идораларда юкори лавозимларга жойлашиб олишди. Карши, Шахрисабз, Гузор, Карманада жойлашган харбий кисмлар (яъни марказий харбий хисмлар) шу офицерларнинг назорати ва таъсири остида бўлди... Бизнинг максадимиз куйидагича эди: агар руслар бизга миллий кўшинларни конуний равишда тузишга имкон беришмаса ёхуд биз тузаётган кўшинларни таркатиб юборишса, босмачиларга кўшилиб, умумий курашни бошлаймиз... ”

З.Валидий Чўлпоннинг бу яширин харакатдаги иштироки тўгрисида бирор сўз айтмаган. Айтмагангина эмас, хатто Чўлпондан кочиб-яшириниб хам юрган. Унинг назарида, рус айгокчилари билан тўлган шахарда шоирона кайфият сохиби бўлган Чўлпоннинг бу хакда гуллаб кўйиши мумкин эди. Аммо шунга карамай, ўша кезларда Харгушда истикомат килган Чўлпоннинг чор атрофда рўй берәётган вокеалардан, Мухтор Аvezов сингари ёзувчиларнинг келаётганидан хабарсиз бўлганига ишониш кийин. Колаверса, унинг сиёсий вазиятдаги ўзгаришларни, Бухоро республикасининг советлашиб бораётганини сезмаслиги мумкин эмас. Зеро, у хали Бухорога бормай турибок, 1921 йил марта, “Чакиргувчи, ўкиргувчи бир товуш Ботирларнинг жон сўраган товшидир.

Йикитувчи, агдарувчи кўзгалиш якиндаги зўр курашнинг бошидир”, деб ўзининг “босмачилик” харакатига хайрихохлигини ошкора айтган эди. Орадан бир неча ой ўтгандан кейин, Фаргона водийсида рўй берган даҳшатларни ўз кўзи билан кўрганидан сўнг эса “Бузилган ўлкага” шеърини ёзган ва бундай хайкирган эди:

От мингданда кушлар каби учгувчи,  
Эркин-эркин хаволарни кучгувчи,  
От чопгданда учар кушни тутгувчи,  
Учар кушдай ёш йигитлар каерда?  
Тог эгаси — сор бургутлар каерда?..

Чўлпон бундай оловли сатрлари билан азamat йигитларни большевиклар хокимиятига карши курашга чакирган, уларни босмачилар сафига келиб кўшилишга унданған эди. Хуллас, Чўлпоннинг хам, З.Валидийнинг хам ташвишлари бежиз оловланмади. Большевиклар турли-туман баҳоналар билан БХСРнинг аксар раҳбарларига турли айблар кўйиб, уларни бадном эта бошладилар. Фитрат хибсга олишларидан кочиб, Тошкентга келди. У билан кариб бир пайтда Чўлпои хам Бухорои шарифни тарқ этди. Чўлпон Ф. Хўжаевнинг таклифи билан Бухорога борганида, тошкентлик дўст-ёрлар уни курашдан кочишда айлаган эдилар. У бундай кайфиятдаги ўртокларига жавобан “Мен кочмадим” деган шеърини ёзиб, унда, жумладан, бундай деган эди:

Мен кочмадим! Нега мени “кочди”, деб  
Йўкга мунча шовкин-сурон килдингиз?  
Кучогини “ўзлиги”га очди, деб

Ок исмимга кора занжир илдингиз?  
Мен “ўзлик”дан кўпдан бери узилиб,  
“Кўплик” ичра ботиб кетган танамен.  
У “кўплик”нинг кайгусидан чўзилиб,  
Кулоч отиб, сузиб юрган яна мен.  
Мен янгилар ўлкасидан синмаган  
Бир канотни такиб олиб кўзгалдим.  
Шу йўлимда япроклари сўнмаган  
“Ёш ёгоч”нинг соясида тўхталдим.

Чўлпон бу шеъри билан аввалги эътиқодидан кайтмаганини айтиб, “ёш ёгоч” —  
Файзулла Хўжаевнинг соясида миллий истиклол учун кураш олиб боришини маълум  
килган эди. Лекин бу “ёш ёгоч”нинг япроклари, кўп ўтмай, тўкила бошлади. Унинг ўзи хам  
ана шу япроклардан бири ўларок тўкилиб, Тошкентга кайтди.

У Тошкентга кайтар экан, поезд Ўрта Осиё темир йўлининг Жумабозор бекатида  
тўхтаганида, “Юпанмок истаги” деб номланган шеърини ёзади. 1922 йилнинг 9 июнида  
когоз бетига тўкилган куйидаги сўзлар Чўлпоннинг кўнглидаги умид нихоли  
сўнмаганидан дарак беради.

Мана, ўша сатрлар:

Денгизлар кайнаса, тошса сувлари  
Кесилса йўлчининг истак йўллари,  
Денгизга айланса ўнг ва сўллари,  
Балки юпатгуси хўлланган кўзлар?..  
Ўйланган йўлларга кўнгил юпанмас,  
Кўнгилнинг истаги ўй билан конмас,  
Айтарлар: бу тунда ёруг шам ёнмас,  
Чакмаса гугуртни асл ўгиллар...

Чўлпон шуурида кандай кутлуг ниятлар тугилган, бошида кандай олижаноб ўйлар чарх  
урган бўлмасин, шоир кўнгли факат бир нарсадан — Туркистон ўглонларининг гугурт  
чакиб, тунни ёритишларидан мунаvvар бўлиши мумкин эди. Чўлпон Анвар Пошани ана  
шундай ўглонлардан бири, деб билди. Фалакнинг гардиши билан Бокудан Бухорога  
бутуnlай бошка максадда келган Анвар Поша Туркистонда бошланган миллий озодлик  
харакатига тасодифан кўшилиб, ўша йил август ойининг бошларида сон жихатидан бир  
неча баравар катта рус армиясига карши курашмокчи бўлди. 4 август куни Балжуван  
якинида бўлган қахшаткич жангда беш жойидан ўқ еб, халок бўлди. Бу саркардага катта  
умид боғлаган Чўлпон астойдил кайгуриб, “Балжуван” шеърида: “Фарёдим дунёning  
борлигин бузсин! Умиднинг энг сўнгги илларин узсин!” — деб кайгу ва аламларини  
ифодалади.

### Чўлпон ва “Дархон”

1923 иили Ўзбекистон хукумати босмачилик харакатини тугатиш максадида “Дархон”  
газетасини ташкил этган. “Туркистон” газетасининг мухаррири Абдулхай Тожиев, Чўлпон

ва Босит Кориев (Олтой) Андижонга бориб, “Дархон” газетасини чикарганлар. Мутахассисларнинг уктиришларига кўра, Анвар Пошанинг ўлимидан кейин босмачилик харакати бир кадар сусайган ва пароканда холга келган бўлиб, унинг давом эттирилиши тинч ахолини хам, “босмачи”ларнинг ўзларини хам халокатга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун, уларнинг айтишларича, Чўлпон бу нозик ишга аралашибдан воз кечмаган. Лекин шунга карамай, у каердадир ўз виждонига карши иш тутган хисоблаб, каттиқ изтироб чеккан.

Мухит гирдобида бир сомон парча,  
Бир похол чўпидек окиб борамен,  
Хар амал, хар ишни “хак”, деб борамен,  
Вазминим колмади бир узун килча,  
деб нола килган у “Сомон парча” шеърида. Хатто шу шеърни куйидаги бадбин хулоса билан тугатган:

Кирмаймен кўчанинг боши беркига,  
Чунки таслим бўлдим мухит эркига...

Бундай сатрларни ўқиган китобхоннинг Чўлпон дунёкараши ва фаолиятида кескин ўзгариш юз берганига ишониши мумкин, албатта.

Лекин сўрок кайдномаларини ўкир эканмиз, баъзи бир фактлар бизни ўйлантиrmай кўймайди. Чунончи, Чўлпон юкорида номлари кайд этилган хамроҳлари билан бирга Андижонга боришдан аввал Кўконда Обиджон Махмудовнинг уйида меҳмон бўлганларини эслаб, бундай деган: “Фаргонада бўлган пашпимизда Обид чатоҳ Махмудовнинг уйида Абдулхай Тожиев, мен ва Босит Кориев кенгаш ўтказдик. Шунда Обид чатоҳ НЭП жорий этилгани учун босмачиларга карши хеч кандай тадбир-чорани кўллаш керак эмас, зоро, босмачилик харакати ўз-ўзидан тугайди. Босмачилик — Совет хокимиётининг зулмга асосланган сиёсати натижаси. Модомики, НЭП бу зулмга чек кўяр экан, омма босмачиликдан юз ўгиради. Абдулхай Тожиев хам Обид чатоҳнинг далилларига кўшилди...”

Бу сўзларни ўкир эканмиз, уларнинг НКВД ходими томонидан бичиб-тўкилганига ишонгинг келмайди, киши!

Яна шу кайдномада куйидаги маълумотларга хам дуч келамиз. Чўлпон терговчининг саволларига жавоб бериб, бундай деган: “1922—1923 йилларда пантуркистплар ташкилоти куролланган босмачи-исёнчи кадрларни саклаб холиш максадида босмачилик харакатини секин-аста тугатмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида Рискулов мени хузурига чакириб, Мунаввар кори ва Захириддин аъламнинг олдига боришим ва улардан Фаргона водийсидаги босмачиларга мурожаатномани олиб, унга келтириб беришимни сўради. Мен Мунаввар кори билан Захириддин аъламнинг уйларига бир неча маротаба бордим, лекин мурожаатнома тайёр эмас эди. Нихоят, уч-тўрт кун ўтгандан кейин мен Рискуловнинг кўрсатмаси билан тузилган мурожаатномани Захириддин аъламдан олиб, Рискуловга келтириб бердим. Бу мурожаатноманинг мазмуни босмачиликни тинч йўл билан тугатиш ва босмачи-исёнчи кучларни келажак учун саклаб колишга каратилган эди.

Сўнгги жумланинг НКВД ходимлари томонидан таҳир килингани яккол кўриниб турган бўлса-да, бу парчада хам хакикат уруглари бордек туюлади. Хаттоки, назаримизда, миллатпарвар кишиларнинг босмачи кучларни келажак учун саклаб колиш максадида бу харакатни вактинча тўхтатишга мажбур бўлганлари сезилиб турибди.

Хуллас, Чўлпоннинг “Дархон” газетасидаги фаолияти унинг чекиниши, “сомон парча”га

айланиши эмас, балки вазиятга тўгри баҳо беришининг натижаси эди.

### Тилак йўлида

1921 йилнинг наврўз куни эди. Чўлпон Тошкентда яқин дўст-ёрлари билан кутлуг айёмни карши олиб, гурунг куради. Бу гурунг иштирокчилари орасида кимлар бўлгани номаълум. Лекин шу нарса аникки, сухбат мавзуи миллий истиклол учун кураш масаласига бориб такалганида, кимдир бу курашнинг бирор натижа билан тугашига шубха билдириб, советлар билан хамкорлик килишни таклиф этади. Чамаси, гурунгда хозир бўлган кишиларнинг аксари бу фикрга кўшилади. Факат бир кишигагина бу фикр ёкмайди. Бу, Чўлпон эди. У шу куни дўст-ёрлари билан хайрлашиб кетгач, “Тилак йўлида” деган шеърини ёзди. Сарлавхадан кейин “Чарчаганларга” деган багишлови бўлган бу шеър куйидаги сатрлардан иборат:

Кетган йўлим тўгри йўлдир, кетамен,  
Кандай тўсик-моне бўлса, ўтамен.  
Мен кетамен, тилак, дея кетамен,  
Хеч тилаксиз курук танни нетамен?  
Тилак йирок, ёгдусида кўринмас,  
Ой кетармен, йил кетармен, етилмас,  
Туйгум унинг изларига урилмас,  
Бу йўлларда балки шафкат этилмас.  
Яна “тилак”, “тилак”, дея кетармен,  
Бир жон экан, майли, курбон этармен!

Чўлпон шу шеърида ифодаланган ваъдасига содик колди. У ўч тилаги ортидан кетиб, ширин жонини истиқбол ва истиклол йўлида курбон килди.

Наим Каримовнинг  
“XX аср адабиёти манзаралари” китобидан